

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA



• 2006-yil • 1-aprel • Shanba • 39 (27.531) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

ИСЛОМ КАРИМОВ — ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ШАХС

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасида давлат ташрифи жаҳон матбуотида кенг ёритилди ва шарҳланди. Туркиянинг «Туркиш уикили» ҳафтаномаси «Кореан херальд» газетасининг туркум материаллари ҳамда Жанубий Корея матбуотидаги бошқа мақолалар асосида «Ислам Каримов — даврни белгилаб берган шахс» сарлавҳаси остида мамлакатимиз раҳбарига бағишланган катта мақола тайёрлаб, чоп этди. Куйида уни газетонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Муқтабид тузумнинг сиёсий ва мафкуравий ҳукронлиги парчаланганидан сўнг, унинг ўрнини ўз аҳамиятини йўқотган эски мафкурага қарши курашган янги демократик ва дунёвий цивилизация эгаллади. Миллий тикланишнинг бундай масъулиятли даврида жамиятда буюк шахсларга зарурат туғилиши табиий, албатта. Ва давр ўз тафаккури, ақл-заковати, салоҳияти билан қудратли саналадиган бундай шахсларни етиштириб чиқаради.

Объектив тарихий зарурат тўғрисида бундай кишилар даврни белгиловчи машҳур шахсларга айланади. Суверен Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов ана шундай буюк инсонлар сирасидандир. У муқтабид дунёвий давлат асосини сифатида мамлакатни ривожлантиришнинг буюк демократик келажакка қаратилган стратегиясини белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда)



ЎзХДП ҳаёти

МАҚСАД — МАФКУРАВИЙ ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ

Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари ва уларнинг мафкуравий масалалар бўйича ўринбосарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш Тафтиш комиссияси аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши кутилаётган бу сиёсий анжуманда партия ҳаётига оид бир қатор муҳим масалалар кўрилади.

Пленум кун тартибидидаги биринчи масала — Ўзбекистон ХДП мафкурасини ривожлантириш ва партия ташкилотлари мафкуравий ишлари самарадорлигини оширишнинг устувор вазифалари тўғрисида бўлиб, бу ҳақда атрофлича сўз юритилади ҳамда партиянинг мафкуравий ишларини янада яхшилаш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади. Пленумнинг бош мақсади ҳам партиянинг V курултойида қабул қилинган ва партия янги Дастурида баён этилган мафкуравий қадриятлар, тамойил ва идеалларни амалга ошириш бўйича маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари учун қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш, амалий мафкуравий ишларни дастурий, услубий даражада, турли йўналишларда олиб боришда Марказий Кенгашдан тортиб бошланғич партия ташкилотларигача — партия кенгашла-

ри ва ташкилотларининг устувор вазифаларини белгилаб олишдан иборат. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ўтган давр мобайнида қатор ишларни амалга ошириб келди. Пленумда Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси қонунчилик жараёнида ўз ташаббуслари ва таклифлари билан чиқиб, қонунларда партия электорати манфаатларининг ифодаланиши ва ҳимоя қилинишига интилиб келмоқда. Пленум кун тартибидан ХДП фракциясининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масала муҳокама си ҳам ўрин олган.

Жорий йилнинг бошидан буён партиянинг барча тизимларида Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб боришмоқда. Пленумда ушбу сиёсий-ташқилий тадбирнинг бориши ва партия ташкилотлари томонидан бу борада қилинаётган ишлар ҳам муҳокама этилади.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2005 йилдаги бюджет ижроси ва партиянинг 2006 йилги бюджет тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилади.

Пленумда кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар ва тавсиялар қабул қилинади.

ИЖРОҚЎМ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши IV пленумини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши ҳақида Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган минтақавий ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда юқоридаги долзарб масалалар юзасидан партия ташкилотлари ва Тошкент шаҳар кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг сиёсий-ташқилий вазифалари, партия ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги ҳақида сўз борди.

Семинарни ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов очиб, Президент маърузаларида айтилган устувор мақсадларни амалга ошириш ва ташқилий масалаларни ечишда партия ташкилотларининг ташаббускорлигини ошириш, иқтисодий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги хусусида мулоҳаза юритди. Шундан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Мухаббатхон Абдуллаева йиғилганларга қўйи палатадаги ЎзХДП фракцияси ва мазкур қўмита фаолияти, тайёрланаётган қонун ҳужжатлари, маҳалла оқсоқолларининг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари ҳақида маълумот берди.

Ўқув-семинарда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Гулчехра Охунова, шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Раҳимжон Нодиров, ЎзХДП Сергели туман кенгаши раиси Лола Исमतова ва бошқалар сўзга чиқиб, юқоридаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда партия ташкилотлари олдида турган долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Мавжуд муаммолар айтилди. Уларни бартараф этишда ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдаги вазифалар белгилаб олинди.

Маъмурият МАХМУД «Ўзбекистон овози» муҳбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ВА ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш: таърих ва муаммолар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мазкур қўмита раиси Н.Исмилов бошқарган анжуманда парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида қонунчилик ташаббуси институтининг алоҳида ўрни хусусида батафсил фикр юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва конституциявий қонунларда, регламентлар ва бошқа норматив ҳужжатларда мазкур

институтни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий асослар мавжудлиги таъкидланди. Қонунчилик палатаси томонидан яқинда «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқи-

либ, қабул қилинди. Айни кунларда иқтисодий муносабатларнинг турли соҳаларида қонунчилик йули билан ҳал этишни талаб қилаётган қатор масалалар учраётганига қарамастан, қонун-

чилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларнинг айримлари ўз ваколатларидан самарали фойдаланмапти. Ишлаб чиқиляётган ва Қонунчилик палатасининг муҳокама-сига киритилётган қонун лойиҳаларининг сифатини оширишга доир масалалар илмий ва назарий жиҳатдан етарли даражада ўз ечимини топмаганлиги, шунингдек, қонун ижодкорлиги борасидаги ишларни янада фаоллаштириш юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари

олдида турган муҳим вазифаларга эътибор қаратилди.

Анжуманда, шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни икки палатали парламент шароитида ҳаётга жорий этишда туپланган таърих ҳақида маърузалар тингланди. Конференцияда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар фаолигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎЗА)

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Хоразм вилоятининг Янгибозор тумани марказидаги 220 ўринли замонавий шифохона мажмуининг фойдаланишга топширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бугун 98 нафар шифокор, 264 нафар тиббиёт хамшираси туман аҳолисининг саломатлигини сақлаш борасида астойдил меҳнат қилишаёпти.

— Шифохонамиз асосан ҳомийлар кўмағида барпо этилди, — дейди бош шифокор Илҳом Машарипов. — Қурилишига жами 820 миллион сўмдан кўпроқ маблағ кетган бўлса, шунинг 600 миллионга яқини ҳомийлар ҳиссасига тўғри келади.

Уч қаватли, ҳамма қулайликларга эга, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохона мажмуи бугун туман марказининг кўркіга кўрк қўшиб турибди.



ЯНГИБОЗОРДА ЯНГИ ШИФОХОНА



Суратларда: бир гуруҳ шифокорлар; шифохона мажмуи; шифокорлар Меҳрибон Ваисхонава ҳамда Нигора Жумамуротовалар. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.



МЕҲМОН

Эҳсон эҳсонга борур, Иймон иймонга борур. Бу дунёда мезбон йўқ, Меҳмон меҳмонга борур.

Абдулла ОРИПОВ
2006 йил, 27 март



ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ҲАМДА ЎЗБЕКISTОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СЕМИНАР УШБУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ноғиронларни иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги маъқеи ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишини янада такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозорига тенг рақобатлаша олмайдиган шахсларнинг иш билан бандлигини қонунчилик даражасида таъминлашни ўзининг асосий вазифаларидан деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиқиб, партия Ноғиронлар жамияти билан ҳамкорликда ноғиронлар манфаатларини ҳимоялаш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларни ташвишлантираётган муаммоларга бағишланган қатор тадбирлар, давра сўхбатлари, семинар ва учрашувлар ўтказди. Жумладан, ўтган йилнинг июнь ойида ноғиронларни иқтисодий ҳимоялашга оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим асос бўлди.

Бу ишларнинг давоми сифатида ташкил этилган «Ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги мазкур семинар ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан ишлаб чиқилган «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокама-сига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Ноғиронлар жамиятининг вилоят, шаҳар ва туман аҳоли кенг қатламлари иштирокида «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинишининг аҳамияти, жумладан ҳомийликнинг роли ва моҳиятини кучайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу фаолиятда аҳоли кенг қатламлари иштирокини кенгайтириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Аслиддин РУСТАМОВ, Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раиси: — Бугунги семинаримиз ҳам олдингинининг мантиқий даво-

ми бўлиб, мамлакатимизда ноғиронларни иқтисодий ҳимоя қилишда яна қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратсақ, нима ишлар қилсақ уларнинг турмуши яхшиланади, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши каби масалаларга қаратилган. Хабарингиз бор, Президентимизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури тўғрисида»ги қарорини «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди. Депутатларимиз томонидан ушбу қонун лойиҳаси тайёрланиб, тегишли вазирлик ва идораларга юборилди. Буни айтишдан мақсад, сиз ҳам ўз таклифларингизни беринг. Ундан фойдаланайлик, яратилажак қонун эса пухта, пишиқ ва мукамал бўлсин.

«Ҳомийлик тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлашга эришиш учун Солиқ кодексига ҳамда бошқа қонунларга ўзгартишлар киритиш зарур.

O'zbekiston havo yo'lari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
K'O'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, fax: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ИСЛОМ КАРИМОВ — ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ШАХС

Ислом Каримов миллий тикланиш жараёндаги ўтиш даврининг оғир юкини ўз зиммасига олган ҳолда, миллий давлатчиликни тиклаш борасида дадил ва мардонавор йўл тутди. Мураккаб тузум кулаганидан кейинги мустақаб шариоҳда ўзининг давлат раҳбари сифатидаги тарихий миссиясини чуқур англаб, бу ишнинг мазмун-моҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қила олди, давлат бошқаруви тизимини тубдан қайта ташкил этиш ва демократлаштириш сиёсатини жасорат ва қатъият билан амалга оширди. 1990 йилдаёқ Ўзбекистон, собиқ иттифок республикалари орасида биринчи бўлиб, мамлакатда президентлик бошқарувини жорий этди. Собиқ шўро ҳудудида кескин ўзгаришлар рўй бериб, беқарорлик ҳукм сураётган бир шариоҳда Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик сақлаб қолинди.

Президент Ислом Каримов бу борада мураккаб муаммоларга дуч келди ва фуқаролик уруши ҳавф солиб турганига қарамай, ушбу муаммоларни мардонаворлик, жасорат билан ҳал этди, мамлакатда 80-йиллар охирида ҳукм сурган бошбошқоқликка қарши қатъий кураш олиб борди.

Бу гап, авваламбор, меҳсети турклари билан ўзбеклар, шунингдек, ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида рўй берган миллий-этник можароларга тааллуқлидир. Фақат Ислом Каримовнинг жонқурлиги, жасорати ва қатъияти туфайли минтақада ҳуррезилликнинг олди олинди. Ўзбекистон Президентининг ушбу мардонавор хизмати кейинчалик нафақат кўшни давлатлар раҳбарлари, балки ўтиш даври тарихий тадқиқотчилари томонидан ҳам муносиб баҳоланди.

Ўзбекистон раҳбари ўзининг ақсариёт ҳаммасабларидан фарқли ўлароқ, юртдошларини истиқлолга тинч ва беталафот йўлдан олиб келди, мустақил давлат барпо этди, миллий тараққиётнинг «янги уйни қурмай туриб, эски уйни бузман» тамойилига асосланиб, инқилобий эмас, тарихий йўлдан боришни таъминлади.

У вазиятни назоратга ола билди, муаммоларни, аввало, мамлакат ривожига ҳалал бераётган тўсиқларни бар-тароф эта бориб, нафақат Ўзбекистоннинг, балки унга қўшни мамлакатларнинг ҳам мустақил давлат сифатида юксалиши учун жон куйдириди.

Ўзбекистон раҳбари, муаммодан қочиш ҳавфироқ, унга қарши курашиш керак, деб ҳисоблайди. Ақс ҳолда, одамлар ваъдаларга ишонмай қўяди,

(Давоми. Боши 1-бетда)

заиф ҳокимиятнинг эса юзи шувит бўлади. Давлат машинасини ҳаракатлантирувчи куч — ижро ҳокимияти — уни биров ишга солимоқчи бўлганда ноҳис овоз чиқаради. Бундай шариоҳта одамлар қонун кучига ҳам, ҳокимият одиллигига ҳам эмас, фақат ўзига ишонди. Ахир, уларга бундай ҳокимиятнинг нима кераги бор?

Бунга чуқур илдиш отган жиноятчилик яхши мисол бўлади. Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ана шу иллат билан юзма-юз келди. У қонун устуворлигини таъминлаш учун дадил қадам ташлаб, жиноят оламига қақшатқич зарба берди.

Ўтиш даврининг бошқа муаммолари ҳам ўз вақтида ҳал қилинди. Хавфни фақат юзма-юз қарши олгандагина ғалаба қозониш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бу Президентнинг мустақил ҳаётини позицияси, очик сиёсий ва инсоний азму шижоатидан далолат беради. Халқ тарихан қисқа давр ичида йўлбошчи нимадларни асосий ва мумкин деб ҳисоблашни, сиёсат ва миллий иқтисодиётда қандай ишларни амалга оширганини, қандай сиёсий режаларни ўз олдиға мақсад қилиб қўйганини англаб этиш имконига эга бўлди.

Бундай долзарб ва ҳаётий саволларга жавоб топиш керак эди. Жавоб дарҳол, тўғридан-тўғри, қисқа ва лўнда қилиб берилади. Бу халқнинг тарихий, маънавий аъёналарини ва миллий тафаккурини ҳисобга олган ҳолда, концептуал асосда ишлаб чиқилган тараққиётнинг беш тамойилидан иборат «ўзбек модели» стратегияси эди.

Маълумки, ҳар қандай дастур аввало асосий мақсадлар белгилаб олинади. Давлат дастурлари одамлар, барча фуқароларни гоғвий жиғлаштириш имконини берадиган мақсаддан бошланади. Дастурни мақсадли ва амалда самара берадиган тарзда тайёрлаш учун давлат сиёсатининг барча таркибий қисмларини (иқтисодий, сиёсий, маънавий, халқаро ва ҳоказо) концептуал асосда бир-бирига мустақам боғлаш ва ягона давлат платформасини ишлаб чиқиш зарур.

Еш мустақил Ўзбекистон фуқароси ҳаётида унинг онгига илк бор ўз оиласида сингдириладиган, ватанпарварликнинг ўзагини ташкил этадиган маънавий қадриятлар мўҳим ўрин тутди. Уларсиэ Ўзбекистон миллий гуруви ва ҳатто миллий суверенитетини ҳам ун-таверилиши мумкин.

Бу асосий вазифа нуқтаси эди. Давлат раҳбарининг таърифси жамиятни мўҳим стратегик мақсадлар сари бошлаш, одамларга ўз кучига ишонч ҳосил

қилиши учун ёрдам беришдан иборат. Фақат шу йўл билан жамиятда умумий руҳий шаклланиди ва муваффақиятга эришилади.

Ислом Каримов буни чуқур англаб етди ва миллий тикланиш муаммоларининг сабабларини очик эътироф этиб, уларни ҳал этиш борасидаги устувор вазифаларни белгилади ва Ўзбекистонни янги цивилизация сари бошлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон сифат жиҳатидан бир босқичдан иккинчисига ўтиш йўлида ўзига муносиб йўлбошчи танлади. Бу ўша пайтда тарихий зарурат эди.

Йўлбошчининг даврни белгилаш ҳусусияти, аввало, унинг воқеаларга тўғри баҳо бериш, одамларни ўзига ишонтириш билан қобилияти ва оқилона иш тутуши билан боғлиқ, Ислом Каримовнинг халқаро миқёсда «Буюк мутафаккир» деб биландилар. Негаки, у ўз мамлакатининг буюк келажакини таъминлайдиган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқди. Унга прагматик ислоҳотчи сифатида ҳам қарашади. Чўнки тараққиётнинг «ўзбек модели» борасидаги унинг янги ғоялари ҳурфик одамлар ва мустақил жамият манфаатларига тўлиқ мос келади. Унинг ислохотлар борасидаги собитқадамлиги фақат ғояларнинг ўзига эмас, балки аввало уларни амалда татбиқ этишга изчил ёндашувга асосланган.

Бу ҳормас-толмас инсон ўз халқига, Ўзбекистонга имкон қадар кўп наф келтириш учун тинмай ишланади. ЖаноБ Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Олий Мажлис икки палатали парламентни шакллантириш тўғрисида қонун қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти ислохотларни қатъият билан давом эттириб, суд ва қонунчилик тизимини эркинлаштирди. Дастурни мақсадли ва амалда мерос қолган зўравонлик ва қатагонга ташувиқчи тизимга тубдан барҳам бериб, бошқарувда инсонийлик тамойилларини мустақамлашга ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тузилмаларнинг вақолатларини кенгайтиришга интилмоқда. Утган йили Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Улим Жазосини Бекор Қилиш Тўғрисида» ва «Хибсга Қилинган Ўзагини Ташкил Этадиган Маънавий Қадриятлар Мўҳим Ўрин Тутади. Уларсиэ Ўзбекистон миллий гуруви ва ҳатто миллий суверенитетини ҳам ун-таверилиши мумкин.

Гарчи, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ҳар доим ҳам унга нисбатан ҳолис бўлмасе-да, Президент бу ташкилотларнинг фаолиятига тўқсинлик қилмайди.

Республиканинг ҳудудий яллитлиги ва

чегаралари дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир қуролли кўчларни тақомиллаштириш, ички хавфсизлик кўчларини кучайтириш ҳам жаноБ Ислом Каримовнинг ташаббуси эди.

Ешларга катта умид боғлаган Президент уларнинг қамол топиши учун хилма-хил ёндашуларни қўллади. Улар сиймосида ўз ишининг давомчилигини кўради. Шу боис истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар таълимини кучайтиришга алоҳида аҳамият бери келади. Бундай эътибор замирида пухта уйланган ҳаракатлар мўжасам. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жағфармаси собиқ иттифок давлатлари орасида фақат Ўзбекистонда ташкил этилган ноёб тузилма бўлиб, у ҳам Президентнинг ташаббуси билан таъсис этилган эди.

Ана шундай имкониятлар туфайли минглаб йигит-қизлар чет элларда энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олди. Бутун мамлакат бўйлаб юзлаб лицей ва коллежлар бунёд этилди. Президент ғояларига асосланган мақсадли сиёсат шундан иборатки, фабрикада ишлаётган одамларнинг руҳиятига таъсир кўрсатишдан қўра, фабриканинг фаолиятини замонавийлаштириш оосонроқ, Меҳнат фаолиятини цех устаси, цех бошлиғи ва йирик корхонанинг бош муҳандиси сифатида бошлагани учун ҳам бундай вазиятни жуда яхши билади.

Ана нима дейиш мумкин? Танқидчиларнинг гап-сўзларига қарамай, у ҳақорини қўлпартиявийлик тарафдорли бўлиб қўлмоқда. Зеро, қўлпартиявийлик сиёсатда устувор ўрин ағаллаши ва Ўзбекистондаги демократик ислохотлар мўжарралигининг қафолати бўлмоғи лозим. У инсон барқарорликка таъйини кераклиги ҳақида кўп гапирди. Айни пайтда муайян соҳалар бўйича фикрлашга қодир бўлмаган, одамларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатиш орқали сохта обрў ортиришга интилладиган турли сафсатабозларга эса тоқат қилолмайди.

ЖаноБ Ислом Каримовнинг «нозик-таб» ёки «мансаб-мартаба ва сохта обрў ортидан қувадиган» демократ эмаслигига шубҳа йўқ. У мунтазам ўзгариш турадиган ҳозирги дунёнинг бешафқат воқелигида фаолият юритувчи сиёсатчи, унда ноёб сезгирлик туйғуси юксак билим билан, тадбиркорлик эса самарадорлик билан уйғунлашиб кетган. Бундай мақомдаги раҳбар учун зарур бўлган ушбу хислатлар унга ўз мақсадларига эришишда — мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажак ва халқининг фаровон турмушини таъминлашда ёрдам беради.

Инсоният тарихида кўплаб жозибали ғоялар юзага келган, лекин қамдан-қам ҳолларда уларни амалга ошириш имкони бўлган. Бундай имконият фақуллода қобилиятларга эга шахсларгагина насиб этган. Даврни белгилаб берувчи шахсларгина цивилизацияга, келажакка элтувчи истиқболли ғояларни илгари суришга қодир бўлади.

Ўзбекистон Президенти ҳақли равишда ана шундай шахслардан саналади. Бунинг ўзига ҳос сабаблари бор.

Биринчидан, давлат раҳбари сифатида ўз халқининг миллий мустақиллигини таъминлади. Ўзбекистон мустақиллигининг ўзига ҳос йўлини танлади, жаҳонда тан олинган, миллий тикланиш стратегиясининг узвий концепцияси бўлган тараққиётнинг «ўзбек модели»га оид беш тамойилни белгилаб берди. Ана шу беш тамойил мустақил тараққиёт учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, унинг асосида ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини ана шу мўҳим тамойиллардан, ислохотларнинг муваффақияти ва ҳалқ томонидан қўллаб-қувватланишидан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Бунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди.

Учинчидан, мустақил тараққиёт йўлида дуч келадиган муаммоларни энг би қўрадаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган «етти устувор йўналиш»дан иборат стратегия мавжуд таҳдидларга қарши жавоб ҳорасидир. Ушбу ғоянинг мақсад-вазифаларига мамлакат ва жамиятнинг демократлаштириш, модернизация қилиш борасидаги ислохотларни сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш, уларнинг узвийлиги ва барқарорлигини, ошқоралиғи ва самарадорлигини таъминлаш қириди.

Анги Ўзбекистон биринчи Президенти сиёсий фласифасининг мазкур янги ғоялари мустақил давлат ва эркин жамият барпо этиш стратегияси учун назарий асос бўлди. Унинг моҳияти «қули давлатдан қулиб фуқаролик жамияти сари» тамойилида ўз ифодасини топган.

(ЎЗА)

Суратда: яқинда *Жанубий Корея* нда «The Korean Herald» газетасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон ҳақида туркум мақолалар чоп этилди.

Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат

ЎЗХДП ҳаёти ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Алия ЮНУСОВА, Қонунчилик палатаси депутати: — Халқимизда қадимдан ҳомийлик маблағлари етим-есир, бева-бечора, ногирон, кўп болали оилалар, қариялар, шифохоналарга берилган, йўл ва кўприклар, қарвонсаройлар, таълим-тарбия масканлари қурилишига ишлатилган.

2006 йил 1 январь ҳолатига кўра Адлия вазирлиги томонидан 70 дан ортиқ ижтимоий хайрия жағфармалари рўйқатга олинган. «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурати эса биринчи навбатда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик фаолиятини алоҳида тартибга солинадиган ҳуқуқий база яратилмаганидан келиб чиқади. Бундан ташқари, қонунчилигимизда ҳомийлик тушунчасининг ўзи йўқ, ҳомийлик ташкилотларини бошқа нотиҳорат ташкилотлардан фарқлаб, ажратиб турадиган механизмлар мавжуд эмас.

Шунинг учун ҳомийлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларга солиқлардан имтиёзлар бериш, донорлар учун кенгрок имкониятлар берилишини тартибга солиш, ҳомийлик субъектлари доирасини кенгайтириш лозим.

Ҳомий ташкилотларнинг ҳомийлик фаолияти умумий қонунчилик билан тартибга солинади. Бу фаолият даврида юзага келадиган асосий муаммолар солиқ қонунчилиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Солиқ кодексига мувофиқ, барча нотиҳорат ташкилотлар, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар қўйидаги солиқлардан озод қилинади:

- юридик шахслардан даромадидан олиннадиган солиқ;
- юридик шахслардан олиннадиган мулк солиғи;
- ер солиғи;
- сув захираларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Ушбу қонуннинг 32-моддасига биноан юридик шахслар ҳомийлик фаолияти билан шуғулланган уларнинг даромадидан ундириладиган солиқ унвалик катта бўлмаган миқдорда қамайтирилади. Бу ерда ҳомийлик қилман деганлар учун айрим муаммолар туғилиши табиий. Чўнки ҳам ҳомийлик қилиш, ҳам солиқларни деярли тўлиқ тўлаш ҳар кимга ёқармайди.

«Ҳомийлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса қонунчилигимизда мавжуд бўлган муаммоларни ечишга хизмат қилади.

Ойбек ИСОҚОВ,

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти бошқаруви раиси:

— Ушбу семинарнинг ўтказилиши Халқ демократик партияси билан яқин ҳамкорлигимизнинг яққол ифодасидир. Мана, барчангизга маълумки, Ногиронлар жамиятлари деярли ҳар кун, ҳар ерда ҳомийлик фаолияти билан боғлиқ муаммо ва бахтли ҳолатларга дуч келади. Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса бу борада жуда катта имконият. Биз ундан унумли фойдаланиб, ўзимизни қийнаётган тақлиф ва тавсияларимизни берайлик. Улар қонунда ақс этса, ўз фаолиятимиз энгиллашади, турмушимиз яхшиланади.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилишди, кўплаб фикрлар ўртага ташланди, тақлифлар айтилди. Биз улардан айримларининг фикрлари билан танишидик.

Фарҳод Абдураҳмонов,

«Нур» ногирон тадбиркорлар уюмаси раиси:

— Ҳозир кўпгина мамлакатларда ҳомийлик қилган шахс ёки ташкилот маълум миқдорда солиқдан озод қилиниб, уларга тегишли равишда имтиёз берилади. Банкларга ҳомийлик ёрдами бериш керак эмас, лекин улар берган кредити эвазига фойда олмади. Бу ҳам аслида ҳомийлик эмасми? Ногиронлар ташкилотли томонидан 8 фоизлик имтиёзли кредит олиш учун банкка борганимизда, улар мумкин эмаслигини, солиқ идорасидан рўхсат олиб келишимни айтиди. Солиқ идораси эса... Рости икки ўртада роса овора бўлдим. Тақлифим, бу масалалар ечим қонунда аниқ кўрсатиб ўтилиши керак.

Дилмурод ПАРДАЕВ,

Самарқанд вилояти ногиронлар жамияти раиси:

— Ҳар йили Халқаро ногиронлар кунини ўтказиш ва унда хайрия тадбири, марофтонлар ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг, вилоят ва шаҳар ҳокимларининг қарори қабул қилинади. Биз хоҳладикки, кейинги қарорда 23 декабрь Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан бир кўнлик иш ҳақи ногиронлар жамиятларининг ҳисоб-рақамларига ўтказилса. Шунда биз учун янада кенг имконият яратилиб, фаолиятимизни яхши йўлга қўйиб олар эдик.

Абдулла ҚАШИВОНОВ,

Жиззах вилояти ногиронлар жамияти раиси:

— Жамиятимиз қўшида полиэтилен маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган шўба корхонаси мавжуд. Лекин унинг иш самараси кўнгилда-гидек эмас. Бунга сабаб қомашонини қўмнатлиги. Биз керакли бўлган қомашонни ўз нархида олиш учун «Шўртангазким» мажмуғига мурожаат қилдик, ammo натижа бўлмади. Бу бир мисол. Истардиқки, шу каби корхоналаримизга ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотишда имтиёзлар берилса, уларнинг фаолияти изга тушиб кетса, ҳам ўзимизга фойда, ҳам жамият ундан манфаатдор бўлади.

Омад ОЛИМОВ,

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти масъул ҳодими:

— Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда корхоналар 1 фоиз солиқдан озод этилиши дейилган. Лекин солиқчилар бундан олгини келмайдилар. Корхоналар тўлаётган солиқдан 1 фоизини ҳомийлик ёрдами кўрсатдим, энди мен 99 фоизини тўлайман деса, солиқчилар уларни сарсон қиладилар. Бундан қўнгина корхона раҳбарларидан эшитганимиз. Бу масала ҳам қонунларимизга тегишли ўзгаришлар киритилиши орқали ҳал этилиши керак. Улар ёрдам берадими, лекин биз уша пул учун ҳам яна солиқ тўлаймиз дейди. Бир мисол, имтиёзга эга ногиронлар пенсия жағфармасига 4,7 фоиз солиқ тўлайди, лекин Сўрхондарё вилоятида бундай шахслар барча қатори 36 фоиздан тўлаб келган. Барча ҳужжатларини тайёрлаб вилоят солиқ бошқармасининг бошлиғига кирдик, лекин ҳал бўлмади. Охири бу иш Давлат солиқ қўмитаси раҳбарларини орқали ҳал бўлиб, 4,7 фоиздан тўлашга эришимиз. Ammo олдинки 36 фоиздан тўланган орқича сума қайтариб берилмади. Ана шундай масалалар ҳам инобатга олинса.

Семинар савол-жавоблар, қизгин баҳс-мунозара ва фикрларга бой бўлди. Тушган барча тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«БАЛИҚ НЕГА ҚИММАТ?»

сарлавҳали мақола (шу йил 23 ва 26 февраль сонларида кўтарилган масалалар, қўйилган муаммолар ҳамда билдирилган тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида ўрганиб чиқилди, муҳокама қилинди ва тегишли хулосалар ясалди, — дейилади Вазирликнинг тармоққа оид Бош бошқармаси бошлиғи О.ИБРАГИМОВ имзоси билан олинган жавоб хатида.

«Ўзбекистон Республикаси балиқчилик тармоғида ҳусусийлаштириш ва ҳусусий мулкчиликни ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш, балиқ овланиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этишда бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш, тармоқни янада монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишни тартибга солиш мақсадида 2003 йил 13 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва ҳусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Қарорга асосан балиқчилик корхоналари тўлиқ ҳусусийлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг марказий аппаратида Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бошқармаси, вилоятлар қишлоқ ва сув ҳўжаликлари бошқармаларида эса — чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилиб, уларга балиқчилик ҳўжалигини ривожлантириш функциялари юклатилган.

Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибиде «Аквакультура» илмий-тадқиқот институти ва «Ихтиомарказ» корхонасини бирлаштириш ҳисобига Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган. Марказнинг асосий вазифалари этиб қўйиладиган белгиланган:

Балиқчилик тармоғини ва унинг озуқа базасини ривожлантириш бўйича илмий ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш; селекция наслчилик ишлари, балиқчилик ҳўжалиги мелиорацияси, балиқ касалликларини олдини олиш ва даволаш тадбирларини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, насл қолдирувчи балиқларнинг зот сифатларини яхшилаш ва балиқларнинг янги турларини иқлимга мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш; балиқ овланиш ва балиқчилик ҳўжаликлари сифатли селекция-наслчилик материаллари билан таъминлаш; балиқчилик тармоғи учун малакали мутахассисларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириб бериш.

Шунингдек, юқоридаги қарорга кўра «Республика балиқчилик ҳўжаликлари табиий сув

ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган. Низомда Республика табиий сув хавзаларини балиқ овланиш корхоналарига ижарага бериш ва бириктириб қўйиш тартиби белгилаб қўйилган.

Республикада бугунги кунда 550,6 минг гектар табиий сув хавзалари 242 ижарачига ижарага берилган. Балиқ етиштириш 2003 йилда 4467,6 тонна, 2004 йилда 5351,1 тонна, 2005 йилда 6403,4 тонна таъмин қилди. Мақолаларда қайд қилинганидек, балиқчилик корхоналари ҳусусийлаштирилганлиги муносабати билан статистик ҳисоботларда балиқ маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари алоҳида кўрсатилмасдан келинмоқ-

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу жавоб хати газетамиз мазкур мавзуни айни вақтида кўтаргани ва бу масала ҳали янада чуқурроқ ўрганилиши зарурлигини қўрсатиб турибди. Зеро, мавжуд муаммолар ва камчиликларни фақат таъкидлаш ёки тан олиш билангина иш битмайди, албатта. Уларни тўзатиш, олдини олиш ва «туғун»лар ечимини топиш йўллари — механизмларни аниқ кўрсатиб берилиб, ижроси юзасидан амалий ҳаракатларга киришилсагина иш олдинга силжиши мумкин. Айни шу нуқтани назардан ҳам биз эълон қилинган мақолаларимиз сўнггида соҳага дахлдор бошқа қатор ташкилотларнинг номларини аниқ келтириб ўтгандик. Умид қиламизки, улар ҳам мақолада кўтарилган масалаларга ўз муносабатларини билдиришади.

АХБОРОТ ВА МАФКУРА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Эркинлашадиган жамиятда ахборот ва мафкура масалалари» мавзусидаги илмий-амалий семинар ўтказди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад — миллий мафкура ва менталитетдан келиб чиқиб, ахборот таҳдиди шариоҳтида давлат ҳамда жамият хавфсизлигини таъминлаш, соҳадаги мавжуд муаммоларнинг олдини олиш чораларини яратиш, билдирилган тақлиф-мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқаришдан иборат.

Семинарда қўмита раиси Хуршид Дустижаммедов, Фуқаро



ЭРОН — БМТ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронни урани бойитишни тўхтатишга чакирди. Дунёнинг энг йirik олти мамлакати ташқи ишлар вазирлари эса Техронга бир ой ичида ядро дастури борасидаги музокараларни давом эттиришни таклиф этишди. Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги Жек Стро бу таклифларни бахармаслик санкция қўлланилишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳландирди.

БМТнинг атом энергияси бўйича агентлиги (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад Барадей Эрон жаҳон ҳамжамиятига хавф солмаётгани, унга қарши санкция киритиш «яхши фикр эмас»лигини билдирди.

АҚШ ва Европа Эрон ўз ядро дастурини қурол яратишга буюриб юборишни мумкинлигидан чўчишмоқда. Бироқ Техрон атом энергиясидан тинч мақсадлардагина фойдаланишни кўзда тутиб келишди.

Эрон ташқи ишлар вазирлиги Манучехр Моттақи Техрон БМТнинг атом энергияси бўйича агентлиги билан музокаралар олиб бориши мумкинлиги ҳақида маълум қилди. У Европа билан алоқалар йўлга қўйишига «ишончсизлик» билан қарамокда.

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган резолюция Россия ва Хитой талаблари асосида анча юмшатилади.

АҚШ — МЕКСИКА

АҚШ президенти Джорж Буш Мексикадан келаятган ишчи кучи оқимиға қарши эмаслиги, бироқ бу жараён қонуний равишда амалга оширилиши кераклигини билдирди.

Канқундаги саммитда президент Буш ва Мексика президенти Винсенте Фокс орасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида АҚШ раҳбари мексикалик қонқуний муҳожирилarga Америка фуқаролигини қисқа муддатда берилишига қарши чиқди. Шу билан бирга у АҚШга қўчи келмоқчи бўлган мексикаликларга ишлаш имконини яратувчи руҳсатномалар бериш тизимини тез орада шакллантиришни ваъда қилди.

Мексика президенти бунга жавобан қонқуний муҳожирилкка қарши курашиш мамлакат олдида турган устувор вазифалардан эканлигини айтиб ўтди. «Биз ишончли чегарани барпо этмоқчимиз. Бу ишни халқимиз ва АҚШ билан алоқаларимиз давомийлиги учун қилмоқчимиз», деди Винсенте Фокс.

Маълумотларга кўра, АҚШда олти миллионга яқин қонқуний мексикалик муҳожир яшайди.

ЕВРОПА



Кор эриши ва кучли ёмғир ёғиши туфайли Европанинг бир қанча ҳудудида сув тошқини хавфи кўчаймоқда. Шу муносабат билан Чехия, жанубий Германия ва Австрия ҳудудидаги дарёлар атрофида факулдда вазият эълон қилиниб, юзлаб уйлар қўририлган.

ГФР ва Чехия чегарасидаги Эльба дарёсида сув сатҳи 7 метрдан ошиб кетди. Дарёнинг одатий чуқурлиги 2 метргача.

Дрезденда ҳам табиий офат кутилмоқда. Мутахассислар бироқ кун ичида Эльбадаги сув сатҳи 7,55 метргача кўтарилишини башорат қилишди.

Германиянинг ёнғин хавфсизлиги ва табиий офатларга қарши курашиш хизмати раҳбари Андреас Рюмпель ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар 14 минг топ қўмдан иборат тўсиқларни барпо этишга киришганини маълум қилди. Унинг айтишича, бундай тўсиқлар энг аввало шаҳарнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини олтин фондиға кирувчи иншоотлар олдида барпо қилинар экан.

Тошқин Бошварияда кўпгина дарёларда ҳам кузатиламоқда. Дунда сув сатҳи юқориликча қолса-да, хавф туғдираётгани йўқ. Дарё тошқинлари хавфи борлиги туфайли Чехиянинг шимолишарқий ҳудудларида ҳам факулдда вазият эълон қилинди. Мамлакатнинг 78та шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида сув тошқини рўй бериши мумкинлиги аниқланди. Айни пайтда Эльба, Морава ва Влтава дарёлари хавф туғдириб турибди.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 нобридаги «2006 йилда қишлоқ-ҳўжалиги кооперативлари (қишлоқ-ҳўжалиқлари)ни фермер ҳўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Навоий вилояти бўйича 14 та ширкат ҳўжалиги ҳудудида 924 та фермер ҳўжалиги ташкил этилди. Бугунги кунда банк филиаллари томонидан янги ташкил этилган фермер ҳўжалиқларига ғалла ва пахта ҳосилини етиштириш учун ҳамда уларни қишлоқ-ҳўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мақсадида импелли кредитлар ажратилиб келинмоқда.

Навоий туманидаги «Шафоат боғи» фермер ҳўжалиги раҳбари Қаҳор Собиров ҳам «Пахтабанк»ка яқин ният билан келибди. — «Пахта банк»нинг Навоий шаҳар бўлими томонидан 2005 йилда фермер ҳўжалиқларига катта ёрдам берилди, — деди у. — Банк «Осиё Тараққиёт банки» маблағи ҳисобидан сўмга чакқанда 40 миллион сўмлик кредит ажратди. «ТТЗ-100» русумли қишлоқ-ҳўжалиқ техникасини сотиб олди.

Кейин-чи? Ишлар юришдими? — Албатта. Ававалмбор ўзимизга тегишли ерда пахтадан ва ғалладан мўл ҳосил етиштирдик. Банкдан олган қарзларимиздан қултидик. Бунинг устига техникамиз ёрдамида ён-атрофдаги бизга қўши бўлган айрим фермер ҳўжалиқларининг ҳужатини чиқардик. Натияжада 2005 йил давомида

«ПАХТАБАНК» КРЕДИТЛАРИ ЁРДАМИДА

नावоий вилояти тадбиркору фермерлари сафи кенгайиб бормоқда

10 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди. Корхона бунинг эвазига Германияда ишлаб чиқаришнинг минибосмақона асоб-усулларини сотиб олди ва қисқа муддатда оёққа туриб олиб, қарзларидан фориг бўлди. Устига-устига 10 та янги иш ўрни ҳам яратилди.

Умуман олганда республика акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» билан «Осиё Тараққиёт банки» ўртасида очилган кредит линиялари ёрдамида анчагина савобли ишларга қўл урилди. Биргина 2005 йил давомида вилоят бўйича 679 миллион сўмлик кредит маблағи олинди, 77 фермер ҳўжалиқига қишлоқ-ҳўжалиқ техникаси ва эҳтиёт қисмлари сотиб олиши учун имконият яратилди.

али таркибида 6 та. Навбахор тумани Кескентерак филиали таркибида 3 та, Кармана тумани Карман филиали таркибида ҳам 3 та, Нурота тумани Нурота филиали таркибида 1 та, Қизилтепа тумани Қизилтепа филиали таркибида 3 та минибанк иш олиб бормоқда.

Банкнинг вилоят бошқармаси бўйича 2005 йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 1 млрд. сўмдан зиёда ташкил этди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган жами кредитлар таркибида бюджетдан ташқари фондалар ҳисобидан ажратилган кредитлар 270,0 млн. сўмини ташкил этиб, шундан «Бизнес фонд» маблағлари

тойдла ишлаб чиқарилган кенг миқоли рангли плоттер технологиясини Россиянинг «ИНФИНТИ» фирмасидан 28,0 минг АҚШ доллариға сотиб олиниши бўйича республика АТ «Пахтабанк» томонидан ижобий ҳулоса берилди.

Бугунги кунда ушбу лойиҳани хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, фермерларга 660,0 млн. сўмлик лизинг асосида қишлоқ-ҳўжалиқ техникалари олиб берилган бўлса, шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида эса бу кўрсаткич 280,0 млн. сўмликини ташкил этди.

Шунингдек, 2005 йил давомида банк томонидан умумий қиймати 14,3 млн. сўмлик 14 та терминал

миқозларга 3 йил муддатта йиллик 9 фоиз тўлаш шarti билан лизинг асосида берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорининг ижросини таъ

Президент қарорини ўқиб

САХОВАТЛИ ЭЛДА САВОБ ИШЛАР

Урган туманида Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чора молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида дастлабки қадам қўйилди. Рўйхатга олинган 200 га яқин оилаларга ҳомийлик маблағлари эвазига бир бошдан соғин сигир тарқатилди.

Хурсанд Исканова, «Илонли» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилади.


— Сақсий нафар болам бор. Турмуш шароитимиз қийинроқ кечаётган эди. Рости, бир пиёла сутта интиқ эдик. Шу ишнинг бошида турган Президентимизга, туманимиз раҳбарларига минг раҳмат. Рўзгордан орттириб битта сигир олишни ҳеч иложини тополмай юргандик. Насиб этса, шу сигир ва унинг бузоқчиси оиламизга, қўт-барака олиб қиради.

Тўти Худойбердиева, тумандаги Навоий номили ширкат ҳўжалиги:

— Оилавий шароитимиздан доим хабардор маҳаллаимиз имкон қадар ёрдам бериб келади. Бу галгиси янаям қувончлик бўлди. Ҳукуматимиз ташаббуси ва эътибори билан соғин сигирли бўлдик. Шундай хайрли ишларни бошлаб, одамлар дардини ўйлаётганларга Оллоҳдан омонлик тилайм...

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

1 апрель — Халқаро қушлар куни



Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультетининг зоология кафедраси доценти, биология фанлари номзоди Абдулла АЮПОВ билан суҳбатимиз мақолада учрайдиган қушлар, уларнинг миграцияси ва умуман фауна дунёсини асраш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.

нинг қайси сув ҳавзаларида тўхтаб ўтадилар?

— Юртимиздаги Айдарқўл, Арнасой, Туюк каби яхлит сув ҳавзаларида, Чордара сув омборида, Бухоро вилоятидаги Денгизқўл ва Хайбатқўлда ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги Сарикамиш сув ҳавзалари қушлар миграцияси даврида ўрдақсимонлар учун қўналға сув ҳавзаси ҳисобланади. Юқорида номлари зикр этилган ҳудудларда қушлар 10-12 кун ёки бир ой мобайнида тўхтаб, кун тўплайдилар. Зарур озуқа захираларига эга

расида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Айни кунда мамлакатимизда йўқолиб бораётган ноёб қушларни муҳофазалаш мақсадида қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Чунинчи Зомин, Чотқол тоғ-ўрмон, Зарафшон ва Амударё ҳудудларидаги қушлар оламини омон сақлаб қолиш учун олимлар, мутасадди ташкилотлар фаолият юриятяпти. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология ва паразитология институти ходимлари бир неча йиллар давомида Ўзбекистон фаunasини асраш йўллариини ўргандилар. Эндилликда улар ноёб, йўқолиш арасида турган қушлар ва табиатнинг алоҳида қўриқлаш зарурияти бўлган ҳудудлари билан шуғулланимоқдалар.

— Айтгинчи, республикада орнитолог кадрлар етарлими?

— Мамлакат, айниқса иқтисодиётнинг тараққиётига ҳудуднинг фаунаси таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Ахир базми қушларни бекорға «санитар қушлар» деб аташмайди-ку, табиатда мутаносиблик мавжуд. Афсуски, бугунги кунда ёшлар орасида зоология, орнитология соҳасига қизиқиш пасайиб бораётяпти. Очиғи, ўзим бугун факультетимизда тахсил олаётган ёшларнинг билими, савияси, интилишларини қониқарли деб ҳисоблай олмайм.

Мана, бир қизик ҳолат, республикада алоҳида қўриқландиган ҳудудларни ўрганиш илмий гуруҳига водий вилоятлари ва Хоразм воҳасидан зоолог олимларнинг йўқлиги боис у ерлардан вакиллар гуруҳга жалб этилмаган. Ваҳоланки, Фарғона водийиси, Хоразм воҳасидаги экологик вазиятнинг оғирлиги ҳудуд фаунаси, қушлар оламини янаша тарзига салбий таъсир этияттику, Бу муаммонни маҳаллий орнитолог олим, мутахассисларчаки ким чқур биладлади? Афсуски, бу ачинарли ҳол. Қишлоқ-ҳўжалиги ва атрофмуҳит, чорвачиликда ҳамда табиат гўзаллигида мўлим ўрин эгалловчи қушлар оламини соҳаси мутахассисларининг йўқлиги ўша ҳудудларда ноёб қушларнинг янада кемайиб бориши, вақтлар ўтиб эса баъзи турларнинг табиатдан бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади.

Сўхбатдош:

Нарзиза ПИРНАЗАРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Мулоқот» саҳифаларида

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

«Мулоқот»нинг янги сони муҳаррир минбари рукнида «Муруват ва эзгулик мавриди» номли бош мақола билан очилади.

Юртимизда ҳар бир йил маълум бир ном билан аталар экан, унинг мазмун-моҳияти ва таъсир кучи руҳиятимизда жиддий ўзгаришлар содир этади, инсоний туйғуларимизни ўйғотиб, барчани эзгуликча қорлайди. Мақолада 2006 йил Президентимизнинг ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб эълон қилиниши халқимиз томонидан кўтаринкилик билан қарши олинганлиги таъкидланади.

Журналнинг кейинги саҳифаларида фалсафа фанлари номзоди, доцент Тура Норбоевнинг «Фуқаролик жамияти — ҳўқуқлар қафолати», Нодира Баротованин «Комил инсон ахлоқи» мақолалари ўрин олган. «Ассалом, Наврўз» руқни остида эса доцент Гафуржон Зиёевнинг «Наврўз — эзгулик, гўзаллик ва меҳрибонлик байрами» мақоласи берилган. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан тарихчи Муяссар Каримованин «Темур тузуклари»да ерга эгалик масаласи атрофида тахлил қилинади. «Ватанпарварлик» руқни остида Чирчик танки қўмондон-муҳандислар олий билим юрти подполковниги Чори Насриддинов ушбу ҳарбий билим юртида бугунги кунда олиб борилаётган таълим ва тарбия жараёни ҳақида хикоя қилади.

Буюк шоир ва мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий ижоди ҳақида қанча сўз юритилса ҳам оз. Навоий давлат педагогика институти ўқитувачиси Тоҳир Ҳўжаев «Хамса»ни англаш йўлида» сарлавҳали мақоласида бу борадаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлаша, доцент Шавкат Ҳайитовнинг «Навоий ва Саййид Ҳасан Ардашер» мақоласида буюк шоирнинг инсоний дўстликка садоқати ҳақида сўз боради.

Сиёсатшунос Нарзулла Жўраев «Фаробий фалсафаси: инсон — жамият — жараён» номли мақоласида буюк алоқаманин фалсафий қарашларини яхшироқ англашда нималарга алоҳида эътибор бериш лозимлиги ўқитилади. Олим кичилик жамияти тарқиётини давлат ва бошқарувнинг ўрни, сиёсий бошқарувда адолат мезонлари ҳуқуқида тўхталиб ўтган.

Публицист Сайди Умиров тарихий «Бобурнома» ва Хайридин Султоннинг «Бобурийнома» асарлари ҳақида батафсил сўз юрилади. Шунингдек, журналнинг ушбу сонидан академик Азиз Каюмовнинг «Навоий газалига муҳаммаслари, адабиётшунос Сайдулла Мирзаевнинг «Мазмундор умр» номли мақолалари берилган.

Бундан ташқари, «Мулоқот»нинг ушбу сонидан Хожа Аҳрори Валининг тарихий «Рисолаи волидийя» асаридан парча, фалсафа фанлари доктори Абдулқотиб Абдурахмонов ва тадқиқотчи Абдулвоҳид Нуриддиновнинг «Машраб ва Офқоҳона», Гулноза Эргашеванин «Ижтимоий тарбиянинг уч қили»ни, Икром Холмуродовнинг «Чилликда расадхона бўлганми?» мақолалари ҳам ўрин олган.

Нормўмин ОЧИЛОВ

«МАДАНИЙ МОЛЛАР»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2006 йил 3 май соат 16.00 да йиллик умумий йилгилиги ўтказилишини маълум қилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шохсанам кўчаси, 5-уй.

- КҲН ТАРТИБИ:
1. Бошқарма раисининг 2005 йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий-ҳўжалиқ фаолияти натижалари ва 2006 йилда ривожланиш истиқболлари ҳақидаги ҳисоботи.
 2. 2005 йилдаги фойда ва зарар ҳақидаги ҳисоботини ва йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
 3. 2005 йил якуни бўйича дивиденд тўлаш ҳақидаги қарор ва дивиденд миқдорини тасдиқлаш ҳамда фойдаларни тақсимлаш ҳақида.
 4. Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш.
 5. Мустақил аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.
 6. «Маданий моллар» МЧЖнинг 2006 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
 7. Молиявий-ҳўжалиқ фаолиятининг якуни бўйича 2006 йилга жамият ички аудиторини тасдиқлаш.
 8. Ҳар хил масалалар.

Жамият ижроси органи

банк миқозини бўлган Навоий вилоят «Пахтасанот» ҲАБ, Навоий «Пахта тозалаш корхонаси», «Қишлоқмашини», «Қишлоқ-ҳўжалиқим» ҲАБнинг ишчи-хизматчилари тўлиқ пластик карточалар билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун

725,8 млн. сўмлик тўловлар қабул қилинди. Бугунги кунда бошқарма бўйича омонатчилар сони 6 449 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 555 тага кўп. Жами аҳоли омонатчилари қолдиги 2006 йил 1 январь ҳолатига 1341,3 млн. сўмни ташкил этди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 688,2 млн. сўмга кўп).

Жамгарма ва муддатли омонатларнинг жами аҳоли омонатчилари қолдигидаги улуши 75,7%ни ташкил этиши, банкнинг барқарор ресурс базаси янада ошиб боришига имконият яратмоқда.

Шу йил 1 январь ҳолатига жамгарма омонат турлариға, яъни «Имконият» омонат туриға 148,7 млн. сўм, «Мўжиза» омонат туриға 118,4 млн. сўм, «Хазина» омонат туриға 118,4 млн. сўм, «Савоат» омонат туриға 97,0 млн. сўм, «Саломатлик» омонат туриға 279,0 млн. сўм ва «Мурабий» омонат туриға 26,5 млн. сўм аҳолининг бш пул маблағлари жалб қилинди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, АТ «Пахтабанк» Навоий вилоят филиали ходимлари тадбиркору ишбилармонларга, деҳқону фермерларга чинакам мададкор бўлмоқда. Шохайдар МИРҲАБИВОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

карточкалар бўйича операциялар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, банк тизимида жорий этилган «Сўмдаги Карт» омонат туриға қабул қилинган пул маблағлари қолдигиға юқори фоизда даромад ҳисобланиб, капиталлаштириш қилиб борилиши тўғрисида кенг аҳоли ўртасида эълонлар ва ташвиқотлар олиб боришмоқда. Бу эса, бугунги кунда миқозлар сонининг янада кўпайишиға, омонатлар қолдигининг ўсиб боришиға замин яратмоқда.

Банк филиалларининг миқозини бўлган йиллик сановат корхоналари ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ойма-ой пластик карточка ҳисоб рақамларига ўтазиб келинмоқда. Жумладан,

кўрсатиш шаҳобчаларига ўрнатилган терминаллар тармоғи сони 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига 12 тани ташкил этган бўлса, йил давомида 69 тага кўпайди. Ушбу тармоқлар тармоқлари орқали савдо нуқталарида амалга оширилган савдо айланмаси бир йилда 214,0 млн. сўмга кўпайди.

Бундан ташқари, 2 та банкмат орқали ҳам миқозларға пластик

Наврӯз удумлари

Мен илм олаётган даргоҳда яхши бир анъана бор: баҳорда куртаклар бўриб, ўт-ўланлар ўсиши билан мактаб ҳовлисига катта дошқозонлар қурилиб, сумалак пиширилади. Бу савобли юмушга эса устоз-мураббийларимиз бош-қош бўлишади.

лар бўлиб турар экан. Бир гал киш чикиб, баҳорнинг илк шабадалари эса бошлаганда оиланинг егулик ҳеч вақси қолмабди. Очлик болаларнинг силласини қурита бошлабди.

СУМАЛАК САЙЛИ



ҳақида ким нима билса, шунга ёзиб келишини айтдилар. Бу топшириқни бажариш учун мен дунёда ҳамма нарсани билувчи буважоним ҳузурларига чопдим.

зон тағига ўт ёқиб, болаларига дебди: «Эрталаб тургунларингча овқат тайёр бўлади». Бечора она ўнгина-ўнгина ухлаб қолибди.

лан бир-нарсаларни келишилар-да, «Келгуси ҳафтада Озод Шарафиддинов домла хонадонига сумалак пиширишга борамиз», дедилар. Ҳамма хурсанд бўлиб кетди.

Халқимизда сумалак пишириш удумига оид бир неча ривоятлар бор. Улардан бирида айтилишича, қадим замонларда бир серфарзанд оила бўлган экан.

Демак, бу ривоятда сумалакнинг пайдо бўлишида оналарнинг меҳри сабаб бўлган, деган ҳикмат бор. Шунинг учун ҳам бу таомни меҳрибон буви-ларимиз пиширишади.

Бувамга сирдош бўлганлигим сабабли, бу янгиликни тезда уларга етказдим. Шунда бувам мен сизларга бош бўлиб тураман, меҳмонлар орасида «режиссёр»ларингизни уялтириб қўймаслик учун яхши тайёрлик кўринглар, дедилар.

оғзаки ижодидан шеър ва қўшиқлар, саҳна кўринишлари ҳамда баҳрибайт ўтказишга тайёрликни бошлаб юбордик.

Нихоят, биз кутан кун ҳам етиб келди. Эрталабдан хонадонимизга меҳмонлар ташириб буюра бошлашди. Дастурхон баҳорий таомлар билан безатилди: кўксомса, чучвара, гўжа, варақчи, қатлама...

Эрталаб уйғонганимда, ҳамма сумалак пишган дошқозонда қандай сурат акс этганини томоша қилиб турган экан. Мен бу тасвири кўшишга ўхшатдим.

Бува, буважон, сумалакдан тош топдим, — дедим ҳаяжонланиб. — Яхши ният қил, болам, ниятинг ижобат бўлади, — дедилар улар.

Буғун мана шу сўзларни ёзар эканман, кўз олдимда бувам — Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг нури сиймоси пайдо бўлди. Утган баҳорда бўлиб ўтган бу воқеалар ҳам хотирага айлиб қолди.

Камол ШАРОФУДИНОВА, ижтимоий йўналишдаги Республика гимназияси ўқувчиси

Машхурлар ҳақида

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

ҲАВАСКОР ШОИР

Раҳматли шоир Миртемир домла ниҳоятда камтар-камсуқум, содда, боладай беозор ва хокисор инсон бўлган. Кунлардан бир кун устоз «Шарқ юлдузи» журнаlining шеърий бўлимига иш юзасидан телефон қилади.

ПЎПИСАНИНГ КУЧИ

«Тошболта ошиқ» спектаклининг машхур ижрочиси, халқ суйган санъаткор Сойиб Хўжаев уй олиш учун навбатда турарди. Ижрокўмининг ўша даврдаги раҳбарларидан бири Сойиб акани назар-писанд қилмайдими ёки уни бир ялтинтиргиси келдими — артиста кўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватидан уй ажратди.

ЎЗЛАРИДАН СЎРАСАК

Мақсуд Шайхзода ҳар қандай мураккаб замонларда ҳам юксак одамлиги ва олижаноблигини сақлаб қолган, ажойиб, беғубор инсон эди. У ўзaro муомала-мулоқотларда ортиқча назокат-мулозаматларга ўрин қолдирмаслик учунми, ўзи ҳақидаги сўровларни мухтасар қилиб, ҳамсуҳбатига «Ўзларидан сўрасак?» — дея самимий мурожаат қилар, шоирнинг бу ибораси адабий мухитда, уни ақиндан билган одамлар ўртасида машхур эди.

Шодмон ОТАБЕК

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ХУЗУРИДАГИ

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2006 йилнинг 2,5,12,16,19,23,26,30 май ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказад

Савдоларга қўйиладиган объектлар қўйилади: Юнусобод тумани, Соҳибкор 1-тор кўчасида жойлашган, яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,04га. бўлган ер участкасида умрбод эгалик ҳуқуқи. Бошланғич нархи — 704 000 сўм.

Интер-спорт

МУРАББИЙ ҚАМАЛИШИ МУМКИН

Владикавказнинг «Алания» жамоаси собиқ мураббийи, француз Ролан Курбисни мураббийликдан маҳрум бўлиш ҳамда икки йиллик қамоқ жазоси ҳавфи кутмоқда. Боиси, Франция прокуратураси мураббийни бир пайлар «Марсель» клубини бошқарган вақтда молиявий товламачиликларга йўл қўйганлигида айболомқда.

ВАЛУЕВНИ КЎТАРГАН ОТАХОН

WBA йўналиши бўйича оғир вазндаги жаҳон чемпиони россиялик мухбир боксчи Николай Валуйевга Париж шаҳрида «Қалблар бирлиги дунёга таянч» медали топширилди. Бу медални уни таъсис этган жамоат арбоби Шри Чинмой топширди.

УНВОНИДАН ВОЗ КЕЧГАН БОКСЧИ

2005 йилнинг июнь ойи бошида IBF йўналиши бўйича биринчи ўрта ярим вазндаги англиялик боксчи Рикки Хаттон Россия — Австралия чарм кўлқоп устаси Константин Цзюни техник нокаут билан ютган эди. Қизиғи шундаки, Рикки ўрта ярим вазндаги боксчилар сафига ўтгани ва Луис Колаццога қарши жанг қилиши учун унвонидан кечганини маълум қилди.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 159-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, қалтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради.

Table with 4 columns: 1 TUR, 2 TUR, 3 TUR, 4 TUR. Each column lists numbers and their corresponding jackpots.

ООО «ORION EXPRESS» имеет намерение приобрести не менее 3772 шт. простых именных безналичных акций ОАО «Хо'жалик моллари» номинальной стоимостью 5240 сум, что составляет 29,64 % от уставного фонда, находящегося по адресу: г.Ташкент, ул.Тал-Арык, 24.

ПНП ООО УК «EAST BUSINESS TRUST» имеет намерение приобрести не менее 3500 шт. простых именных безналичных акций ОАО «Хо'жалик моллари» номинальной стоимостью 5240 сум, что составляет 27,51% от уставного фонда, находящегося по адресу: г.Ташкент, ул.Тал-Арык, 24.

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2006 йил 6 апрелдаги 160- тиражида ўйналадиган супер ютуқлар:

1-турда биттадан Телевизор, 2-турда биттадан Музлатгич, 3-турда биттадан NEXIA автомобил, 4-турда биттадан NEXIA автомобил, 5-турда биттадан NEXIA автомобил.

Ютуқлар ҳар сешанба соат 14.00 дан кейин ютуқдан чипта кўрсатилган захоти «Лаура» ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўҳтаж: «Украинка» дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 50-26-60.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Хайъати Ўзбекистон халқ шоири Нормурод НАРЗУЛЛАЕВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекгазсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда ишлаб чиқариш технология бутлаш ва транспорт бўлими жамоалари бўлим бошлиғи Бахтиёр Сатаевга отаси ИЧТБ ва ТБ собиқ раҳбари Пашали Нидай-Огли Сатаевнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Farruh HAMROYEV.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI. BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot.

VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-32-70, Buxoroda — 222-10-92, Gulistonda — 25-22-32, Jizzaxda — 5-49-85, Navoiyda — 223-83-73, Namanganda — 6-43-43, Nukusda — 222-70-15, Samarqandda — 35-20-54, Urganchda — 226-51-35, Farg'onada — 26-43-62, Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbahar: Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.